

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот  
таҳлилий ишлари бўлими тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Бухоро вилоят статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Бухоро вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) нинг таркибий бўлими ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот таҳлилий ишлари бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бухоро вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бухоро вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

**2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари**

6. Қўйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*a) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқши ва бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиши соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Бошқарманинг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, шунингдек, Давлат статистика қўмитаси топширикларининг

ижросини таъминлаш юзасидан жорий ва истиқбол режаларини тайёрлаш бўйича ишларда иштирок этади;

*б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқши, тасдиқлаш ва жорий этиши соҳасида:*

макроиқтисодий, тармоқ ва худудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларда иштирок этади;

*в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўгерисидаги статистик ахборотларни йигши, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, йиғма-ахборот ишлари режа-жадвалининг бажарилишини ўз вақтида таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси бўйича, худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидағи йиғма статистик ва иқтисодий-аналитик кўрсаткичларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлайди ва чиқаради;

статистик кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини ва холислигини таъминлаш, уларнинг қулайлиги, ошкоралиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

Давлат статистика ишлари Дастурига асосан статистик ахборотномалар, тўпламлар ва нашрларни тайёрлайди ҳамда чоп этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида таъқиқланмаган босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича матбаа фаолиятини амалга оширади;

Бошқарма эҳтиёжлари учун статистик бюллетенлар, тўпламлар ва бошқа хужжатларни чоп этиш ва нусха кўчириш ишларини ташкил этади;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш ишларида иштирок этади;

*г) Давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:*

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлайди;

миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда худудларнинг ривожланишини, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жихозлаш, хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, республика худудларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини, аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини

янада тўлиқ акс эттирадиган статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга оширади;

вилоят иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги йиллик ва чораклик статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлайди ва белгилangan тартибда тақдим этади;

статистик нашрларда кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда статистик, таҳлилий, ахборот, ноширлик хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини фойдаланувчиларга сўров асосида тақдим этади.

7. Бўлим ўз зиммасига юклangan вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз вазифа ва функцияларини самарали бажариши учун Бошқарма таркибидаги бўлимлар фаолиятини ташкил қиласи ва мувофиқлаштиради;

ўз ваколати доирасида Бўлим ойлик, чораклик ва йиллик ижтимоий-иктисодий ривожланиш натижалари бўйича статистик маълумотларни тайёрлашни таъминлайди, шунингдек фойдаланувчиларга белгилangan тартибда тақдим этади;

статистик, таҳлилий ва ташкилий ишларнинг Бошқарма бўлимлари томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қиласи;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантириш дастурларини, давлат статистика фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини амалга ошириш бўйича ишларда иштирок этади;

йиғма статистик маълумотларни тайёрлаш учун жадваллар макетини ишлаб чиқади ва белгилangan тартибда тармоқ бўлимларига ва худудий статистика бўлимларига тарқатади;

иктисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш тенденциялари сабаблари ва омилларини тавсифловчи таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

Бошқарма веб-сайтидаги республика ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иктисодий ривожланишини тавсифловчи статистик кўрсаткичларини янгилаш боради;

давлат органлари учун ахборот ва статистик маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

ахборотномалар, статистик тўпламлар ва нашрларни чоп этиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг, Бўлим ваколати доирасида, тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

халқаро валюта фондининг Маълумотларини тарқатиш умумий стандартига мувофиқ статистик маълумотлар тизимини яратиш, юритиш ва янгилаш бўйича ишларда иштирок этади;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам бажаради.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимларидан ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

йиғма маълумотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва тарқатиш самарадорлигини ошириш бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурига асосан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

йиғма ахборотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва тарқатиш соҳасида норматив-хуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлар олиб бориш;

ўз ваколати доирасида Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистик маълумотларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан халқаро йиғилишлар ишида, шунингдек халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юклangan вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи ахборот, таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётда кўлланилаётган хамда фойдаланилаётган усулларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлимнинг тузилмаси**

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлигини, шунингдек:

Йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш ишлари;

Ахборот-таҳлилий ишларни мувофиқлаштириш ва ахборотномаларни тайёрлаш ишлари;

Статистик тўпламларни тайёрлаш ишлари;

Статистик материаллар тарқатишни техник қўллаб-қувватлаш ишлари.

Бўлим таркибига Бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар, 1-тоифали мутахассис киради.

11. Бўлим ишига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласи:

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўйича қуидагиларни амалга оширади:

Вилоят бўйича, худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидағи йиғма статистик ахборотларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлаш;

йиғма статистик кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштириш ва тарқатиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар билан таъминлаш;

йиғма статистик маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш ишларини такомиллаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

тармоқ бўлимлари ва худудий статистика бўлимларига йиғма статистик маълумотлар ва статистик нашрларни шакллантириш учун макетларини тайёрлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига ва Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти ҳамда Бошқарма бошлиғи топшириғига мувофиқ, статистик ахборот ва статистик нашрларни шакллантириш;

йиғма статистик маълумотларни шакллантириш бўйича худудий статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам бажаради.

14. Ахборот-таҳлилий ишларни мувофиқлаштириш ва ахборотномаларни тайёрлаш бўйича қуидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига асосан тегишли тармоқ бўлимлари билан биргалиқда статистик ахборотномаларни ўз вақтида ва сифатли чоп этилишини таъминлаш;

Вилоят бўйича, худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидағи йиғма статистик ахборотларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргалиқда тайёрлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда ахборот-таҳлилий маълумотлар ва ахборотномалар билан таъминлаш;

Давлат статистика ишлари дастурига ва Бошқарма раҳбарияти топшириғига мувофиқ, ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш бўйича худудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### 15. Статистик тўпламларни тайёрлаш бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига асосан статистик нашрларни қоғоз ва электрон шаклда тайёрлаш ва чоп этиш;

статистик нашрларнинг макетлари ва муковаларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган режа-дастурига асосан статистик нашрларнинг тўлдирилишини ташкил қилиш ва муддатини назорат қилиш;

статистик ахборотлар доимий фойдаланувчиларининг маълумотлар базасини юритиш, тузилган шартномалар ҳамда статистик кўрсаткичларни тайёрлаш бўйича бир марталик сўровларни таҳлил қилган ҳолда статистик нашрларнинг тузилиш ва таркибига оид таклифлар киритиш;

статистик нашрларни тайёрлаш ва тарқатиш бўйича худудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика ишлари дастурига асосан бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик нашрлар билан таъминлаш;

статистик нашрларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот коммуникация технологиялардан самарали фойдаланиш;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### 16. Статистик материаллар тарқатишни техник қўллаб-қувватлаш бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган босма маҳсулотлар нусхасини кўпайтириш бўйича матбаа фаолиятини амалга ошириш;

Давлат статистика қўмитаси эҳтиёжи учун статистик бюллетенлар, тўпламлар ва бошқа ҳужжатларни кўпайтириш ишларини ташкил қилиш;

босма маҳсулотлар ва муқовалаш ишларининг сифатини таъминлашни ташкил қилиш.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам бажаради.

## **5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш**

17. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг ва Бошқарма бошлиғининг буйруклари ва топширикларига мувофиқ, шунингдек Бошқарманинг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади ва Бошлиқнинг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юклangan вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

### **17. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим бошлиғи ўринbosари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қиласи, Бўлимга юклangan вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек Бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига киравчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топширикларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Йиғма статистик ва таҳлилий маълумотларни шаклантириш бўйича статистика бўлимларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

иш юритиш, берилган топшириқларни бажарилишини назорат қиласди, ходимларнинг расмий хужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш тартибига қатъий риоя килинишини таъминлаш;

Бошқарманинг ва Бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига киравчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шаклантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, киравчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиб масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма ва бўлимнинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласди;

Бошқарма бошлиғи билан ҳамкорликда бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва услубларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

бўлими ваколатига киравчи масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами тариқасида кўрсатади;

бўлим ваколатига киравчи масалаларни мухокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Бошқарма манфаатларини ифодалайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

## **19. Бўлим бошлиғи ўринбосари:**

мутахассисларнинг ишини мувофиқлаширади ва Бошқарма бўлимлари билан ҳамкорликни ташкил қилиш учун шахсан жавоб беради;

йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўлимига юклатилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласди;

йиғма тезкор маълумотларни ва индикатор кўрсаткичларини шакллантириш бўлими мутахассислари томонидан статистик кўрсаткичларнинг шаклланишини мувофиқлаширади, эришилган натижаларнинг доимий мониторингини юритади;

Бўлим бошлиғи билан биргаликда бўлим фаолиятини такомиллашириш ва Давлат статистика ишлари дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларни мукаммаллаширишни ташкил қилиш ;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва учрашувларда Бошқарма номидан қатнашади;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ ҳамда бошқа функцияларни амалга оширади ва ҳ.к.

## **21. Бўлим бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

статистик ва таҳлилий маълумотларни тўплаш масалалари бўйича тармоқ бошқармалари ва ҳудудий статистика органлари билан ҳамкорлик қиласди;

Давлат статистика ишлари дастурида тасдиқланган статистик нашрларнинг макетларини тайёрлайди;

Давлат бошқаруви органлари учун ахборот, статистик ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил қиласди;

статистик тўпламлар, ахборотномалар ва бошқа статистик нашрларнинг кўриниши, макетларининг тузилиши ва муқовасини ишлаб чиқишни ташкил қиласди;

йиғма статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш мақсадида тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари учун жадваллар макетини ишлаб чиқади;

статистик маълумотлар фойдаланувчиларининг сўровларини ўрганиб чиқиб, статистик нашрлар, ахборотномалар ва бошқа ахборот-таҳлилий маълумотларни такомиллашириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

келиб тушган мурожаатлар билан ишлайди ва Бўлим иш юритишида иштирок этади;

Вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг якунлари бўйича ахбороттаҳлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини амалга оширади;

Статистик нашрларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш, электрон нашрларни тарқатиш ишларини амалга оширишда замонавий тажриба ва тушунчаларни ўрганиб боради;

Бошқарма бўлимлари ва худудий статистика органлари томонидан тақдим этилган статистик маълумотларни таҳлил қиласди ва умумлаштиради ҳамда зарур таҳлилий маълумотлар ва хуносалар тайёрлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ ҳамда бошқа функцияларни амалга оширади.

## **22. Бўлим етакчи мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарманинг тегишли бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича тармоқ бўлимлари ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

иш юритишини олиб боради, Бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қиласди, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топшириши таъминлайди;

Бошқарма бўлимлари ва худудий статистика органлари томонидан тақдим этилган ахборотларни ҳар томонлама таҳлил қиласди, умумлаштиради ва зарур таҳлилий маълумотлар ҳамда хуносалар тайёрлайди;

давлат бошқарув органлари учун ахборот, статистик ва бошқарма маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

йиғма статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш мақсадида тармоқ бошқармалари ва худудий статистика органлари учун жадваллар макетини ишлаб чиқади;

ойлик, чораклик ва йиллик индикаторлар, тўпламлар, ахборотномалар учун макетлар тайёрлайди ва барча тармоқ бошқармаларга, бўлимларга ҳамда худудий статистика органларига тарқатади;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **22. Бўлим 1-тоифали мутахассиси:**

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича тармоқ бошқармалари ва худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади ва улардан керакли маълумотларни иғилишини таъминлайди;

юқори сифатли босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва муқоваланишини назорат қилади;

берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

хавфсизлик ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилади;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;  
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функция хамда вазифаларни амалга оширади.